

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирининг  
2025 йил "23" июндаги  
180-сонли буйруғига  
илова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**“ПСОРИАТИК АРТРИТ” НОЗОЛОГИЯСИ БЎЙИЧА  
МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Тошкент тиббиёт академияси  
ректори т.ф.д., профессор  
Ш.А. Баймуралов

  
23 май 2025 йил

**«ПСОРИАТИК АРТРИТ» НОЗОЛОГИЯСИ  
БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК  
ПРОТОКОЛЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2025

## Мундарижа

“ПСОРИАТИК АРТРИТ” НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ.....	5
“ПСОРИАТИК АРТРИТ” НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ТИББИЙ АРАЛАШУВЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ.....	44
“ПСОРИАТИК АРТРИТ” НОЗОЛОГИЯСИНИНГ ПРОФИЛАКТИКА ВА РЕАБИЛИТАТСИЯСИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАРИ.....	48

**“ПСОРИАТИК АРТРИТ” НОЗОЛОГИЯСИНИНГ  
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ МИЛЛИЙ КЛИНИК  
ПРОТОКОЛИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

## 1. Кириш қисми.

Ушбу клиник протокол псориастик артрит билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш бўйича тавсияларни, базис ва яллиғланишга қарши дорилар билан даволаш учун стратегик тавсияларни ўз ичига олади. Ушбу клиник протоколни ишлаб чиқишда Россия ревматологлари Ассоциациясининг "Псориастик артрит" клиник тавсиялари, EULAR recommendations for the management of psoriatic arthritis with pharmacological therapies, Америка ревматологлар колледжи / Псориазнинг миллий фонди (ACR / NPF), GRAPPA (Group for Research and Assessment of Psoriasis and Psoriatic Arthritis) псориаз ва псориастик артритни тадқиқот қилиш ва баҳолаш гуруҳи клиник тавсиялари асос қилиб олинди.

### Халқаро касалликлар таснифи – ХКТ-10/11 шифр(лар)и:

ХКТ-10/11	
Код: M07*/FA21	<b>Псориастик ва энтеропатик артропатиялар;</b>
M07.0/FA21.Y	– Дистал фалангалараро артропатия (L40.5+)
M07.1/FA21.Y	– Мутирилловчи артрит
M07.2/FA21.0	– Псориастик спондилит (L40.5+);
M07.3/FA21.Z	– Бошқа псориастик артропатиялар (L40.5+).
<b>Юклаб олиш (ХКК (МКБ)дан хавола)</b>	<a href="https://mkb-10.com/index.php?pid=12048">https://mkb-10.com/index.php?pid=12048</a>

**Баённомани ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси:** Баённома 2025 йил ишлаб чиқилган. Қайта кўриб чиқиш санаси 2028 йил;

**Миллий клиник баённома ишлаб чиқиш учун масъул муассаса:** РИТваТРИАТМ, Тошкент тиббиёт академияси.

**Клиник протокол ва стандартларни ишлаб чиқишда ҳисса қўшганлар:**

Жараёни ташкил этиш бўйича ревматология йўналиши бўйича ишчи гуруҳ аъзолари:

<b>Азизова Ф.Л.</b>	<b>ТТА илмий ишлар бўйича проректор т.ф.д., профессор</b>
<b>Аляви Б.А.</b>	РИТваТРИАТМ директори, т.ф.д., профессор
<b>Мирахмедова Х.Т.</b>	ССВ ревматология бўйича бош консультант т.ф.д., проф. ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири.
<b>Рахимова Д.А.</b>	РИТваТРИАТМ лаборатория раҳбари т.ф.д., ССВ терапия хизмати бўйича бош мутахассис
<b>Алиахунова М.Ю.</b>	РИТваТРИАТМ ревматология бўлими мудири т.ф.д., профессор
<b>Набиева Д.А.</b>	ТТА 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
<b>Дадабаева Н.А.</b>	ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси доценти, т.ф.н.

### Муаллифлар рўйхати:

<b>Мирахмедова Х.Т.</b>	<b>ССВ ревматология бўйича бош консультант т.ф.д., проф. ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси</b>
-------------------------	--

<b>мудири.</b>	
<b>Рахимова Д.А.</b>	РИТваТРИАТМ лаборатория рахбари т.ф.д., ССВ терапия хизмати бўйича бош мутахассис
<b>Алиахунова М.Ю.</b>	РИТваТРИАТМ ревматология бўлими мудири т.ф.д., профессор
<b>Дадабаева Н.А.</b>	ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси доценти, т.ф.н.
<b>Набиева Д.А.</b>	ТТА 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси мудири, т.ф.д., профессор
<b>Шодидулова Г.З.</b>	СамДТУ 1-сон ички касалликлар кафедраси мудири, т.ф.д., Самарканд вилояти бош ревматологи
<b>Джураева Э.Р.</b>	ТТА 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти, т.ф.н.
<b>Хамраев Х.Х.</b>	СамДТУ 1-сон ички касалликлар кафедраси доценти, т.ф.н.
<b>Абдуллаев У.С.</b>	ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти, т.ф.н.
<b>Мухсимова Н.Р.</b>	ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти, т.ф.н.
<b>Саидрасулова Г.Б.</b>	ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти, т.ф.н.
<b>Бердиева Д.У.</b>	ТТА 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти, т.ф.н.
<b>Нажмиддинов Г.Р.</b>	Фарғона вилояти бош ревматологи
<b>Бомуродова Д.Б.</b>	Бухоро вилояти бош ревматологи

#### **Такризчилар:**

<b>Ахмедов Х.С.</b>	- 2-сон оилавий тиббиётда ички касалликлар кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.
<b>Шукурова Сураё Мақсудовна</b>	– Тожикистон Фанлар академияси аъзоси, Малака ошириш институти терапия ва кардиоревматология кафедраси мудири т.ф.д., профессор.

Клиник баённома ТТА илмий кенгашида кўриб чиқилди ва \_\_\_\_\_ №\_\_ сонли баённомаси билан тасдиқланди.

#### **Техник экспертиза ва тахрирлаш:**

1. ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти Н.Мухсимова;
2. ТТА 1-сон ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти Г.Саидрасулова.

#### **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Экспертлар гуруҳи мутахассисларининг эксперт баҳоси:**

1. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази кардиоревматология бўлими мудири, т.ф.н., ССВ болалар ревматологи маслаҳатчиси Сабирова Феруза Бадриддиновна.

Мазкур клиник протокол ва стандарт Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Баситханова Э.Э, Тиббий суғурта бошқармаси бошлиғи Ш. Алмарданов, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бошлиғи Ш.Р. Нуримова бошчилигида, клиник протоколлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими бош мутахассиси Г. Джумаева ва етакчи мутахассиси Н.Рахимовалар томонидан мутахассисларининг ташкилий ва услубий кўмагида ишлаб чиқилган.

Клиник протоколларнинг қабул қилиниши ва амалиётда қўлланилишини баҳолаш Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлашнинг амалий бўғини вакиллари билан биргаликда амалга оширилди.

#### **Амалиётчи шифокорлар:**

1. М.В.Мирхамидов – ТТА кўп тармоқли клиникаси ревматология бўлими мудир.
2. Ш.Ш. Шожалилов – ТТА кўп тармоқли клиникаси СКАЛ ревматология бўлими мудир.
3. Н.А.Абдувалиева – Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри КТМП ревматолог шифокори.

#### **Баённома протоколда фойдаланилган қисқартмалар:**

<b>АДА</b>	<b>- адалимумаб</b>
<b>АС</b>	– анкилозловчи спондилит
<b>АСТ</b>	– аспартатаминотрансфераза
<b>АЛТ</b>	–аланинаминотрансфераза
<b>ASAS</b>	-Assessment of pondyloArthritis International society-спондилоартритларни ўрганувчи халқаро жамоа
<b>БЯҚВ</b>	– базис яллиғланишга қарши воситалар
<b>БЯО</b>	– белдаги яллиғланиш оғриғи
<b>БИГК</b>	– бўғим ичи глюкокортикоидлар
<b>БОБ</b>	– беморларда оғриқни баҳолаш
<b>БКБ</b>	– беморларда касалликни баҳолаш
<b>ВАШ</b>	– визуал-аналогли шкала
<b>BSA</b>	-псориатик тери жароҳатланиш майдони BSA (Body Surface Area, %)
<b>PASI</b>	–псориазнинг тарқалганлик ва оғирлик индекси (Psoriasis Activity Score Index)
<b>ГИБВ</b>	– ген-инженер биологик воситалар
<b>ГК</b>	– глюкокортикоидлар
<b>ДФАБ</b>	– дистал фалангаларо бўғим
<b>ИЛ</b>	– интерлейкин
<b>ИНФ</b>	– инфликсимаб
<b>и-ФНО-α</b>	– ФНО-альфа ингибиторлари
<b>ИЛ-17</b>	- интерлейкин 17 ингибиторлари
<b>КШБ</b>	– касалликни шифокор баҳолаши
<b>ЛеФ</b>	- лефлуномид
<b>МРТ</b>	– магнит-резонанс даволаш
<b>МТ</b>	- метотрексат
<b>НЯҚВ</b>	– ностероид яллиғланишга қарши воситалар
<b>HLA-B27</b>	- одам лейкоцитар В27 антигени

<b>ОБС</b>	– оғриқли бўғимлар сони
<b>ПсА</b>	– псориастик артрит
<b>Пс</b>	– псориаз
<b>РФ</b>	– ревматоид омил
<b>СЕК</b>	- секукинумаб
<b>СРО</b>	– С-реактив оқсил
<b>СпА</b>	– спондилоартритлар
<b>ССЗ</b>	- сульфасалазин
<b>тсБЯҚВ</b>	– таргет синтетик БЯҚВ
<b>УТТ</b>	-ультратовуш текшируви
<b>ФС</b>	– функционал синф
<b>ЦсА</b>	-циклоспорин
<b>ЦЦПА</b>	- циклик цитруллин пептидга антитана
<b>ШБС</b>	– шишган бўғимлар сони
<b>ЭЧТ</b>	– эритроцитлар чўкиш тезлиги
<b>ЭТА</b>	– этанерцепт
<b>ЭКГ</b>	-электрокардиография
<b>ЭхоКГ</b>	-эхокардиография
<b>ЭГФДС</b>	-фиброгастроскопия

#### **Мазкур ташхис/нозология бўйича протоколнинг фойдаланувчилари:**

- 1.Ревматологлар;
- 2.Терапевтлар;
- 3.Оилавий шифокорлар;
- 4.Травматологлар – ортопедлар;
5. Дерматовенерологлар;
6. ЖТШ шифокори, физиотерапевт;
- 7.Тиббиёт олийгоҳлари магистрлари, клиник ординаторлари ва катта курс талабалари.

#### **Беморлар тоифаси:**

Псориастик артритли беморлар

#### **Диагностика усуллари (диагностик аралашувлар) учун далиллар даражасини баҳолаш шкаласи (ДД)**

ДД	Далилларнинг ишончлилик даражаси
1	Референс усул ёрдамида назорат остида ўтказилган тадқиқотларнинг тизимли шарҳлари ёки мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли шарҳи
2	Референс усул назорати билан ўтказилган айрим тадқиқотлар ёки айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқиши

	бундан мустасно
3	Референс усул ёрдамида изчил назоратсиз ёки ўрганилаётган усулдан мустақил бўлмаган референс усул ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар ёки рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан, коҳорт тадқиқотлари
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат тавсифи
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари ёки экспертлар хулосаси

**Профилактика, терапевтик ва реабилитация тадбирлари учун далиллар даражасини (ДД) баҳолаш учун шкала**

ДД	Далилларнинг ишончлилик даражаси
1	Мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши
2	Айрим рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ва ҳар қандай дизайндаги тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши, мета-таҳлил ёрдамида рандомизацияланган клиник тадқиқотларни тизимли равишда кўриб чиқилиши бундан мустасно
3	Рандомизацияланмаган қиёсий тадқиқотлар, шу жумладан когортли тадқиқотлар
4	Қиёсланмаган тадқиқотлар, клиник ҳолат ёки ҳолатлар серияси тавсифи, “ҳолат-назорат” тадқиқоти
5	Муолажанинг таъсир механизми асослари (клиника олди тадқиқотлар) ёки экспертлар хулосаси

**Профилактика, диагностика, терапевтик ва реабилитация тадбирлари бўйича тавсиялар (РТТ) нинг ишончлилик даражасини баҳолаш шкаласи**

РТТ	Тавсияларнинг ишончлилик даражаси
A	Кучли тавсия (барча кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилган)
B	Шартли тавсия (айрим кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгаллайди, айрим тадқиқотларнинг методологик сифати юқори ёки қониқарли ва/ёки қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)
C	Кучсиз тавсия (сифатли далиллар келтирилмаган (кўриб чиқилган самарадорлик мезонлари (натижалар) муҳим ўринни эгалламайди, барча тадқиқотларнинг методологик сифати паст ва қизиқтираётган натижалар бўйича хулосалари келишилмаган)

**2. Асосий қисм.**

**Кириш:**

Псориастик артрит сурункали прогрессив кечиши, таянч-ҳаракат тизимининг функционал қобилятининг бузилиши ва беморнинг ҳаёт сифатининг ёмонлашиши туфайли муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланади.

Псориастик артрит - сурункали касаллик бўлиб, псориаз касаллиги ва яллиғланишли артрит белгиларини бирлаштиради. Ушбу касаллик долзарбдир, чунки у беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтириши, оғриқ, шиш ва бўғимлар ҳаракатининг

чекланишини, шунингдек, псориазнинг тери кўринишини келтириб чиқариши мумкин. Ушбу касалликнинг аҳамияти меҳнат қобилиятининг пасайиши ва ногиронлик каби омилларга боғлиқ.

ПсАнинг эпидемиологияси кам ўрганилган. Аммо псориаз ер юзи аҳолининг 2-7% жароҳатлагани маълум. Псориазлар ичида артритнинг тарқалганлиги турли маълумотларга кўра 7 дан 47% гачани ташкил қилади. Умумий популяцияда ПсАнинг тарқалганлиги 0,04-1,4%ни ташкил қилади, баъзи давлатларда, масалан Италияда бу касаллик ревматоид артритга нисбатан кўп учрайди. Касаллик турли ёшда, аммо кўп учраши хаётнинг иккинчи ва учинчи босқичида, эркак ва аёлларда бир хил кузатилади.

[[https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562\\_2](https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562_2) <https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline>  
<https://www.eular.org/website/search?search=psoriatic+arthritis>]

### Умумий таърифи:

Псориатик артрит – одатда псориаз билан касалланган беморларда кузатиладиган бўғимлар, умуртқа погонаси ва энтезисларнинг шикастланишига олиб келадиган иммун яллиғланиш касаллигидир. ПсА дерматология ва ревматология пиллапоясида турган касалликнинг классик намунаси.

ПсА периферик спондилоартритлар кичик гуруҳига тегишли, клиник кечишида периферик бўғимларнинг яллиғланиши кузатилиб (артрит), энтезис (энтезит) қўл ва оёқ бармоқлари пайлари (теносиновит, дактилит), кўпинча аксиал суяклар зарарланиши билан бирга (спондилит, сакроилеит) кечади.

ПсА ривожланиши сабаблари ноаниқ қолмоқда. Унинг шаклланиш омиллари орасида генетик, иммунологик ва экологик омиллар мавжуд. ПС ва ПсА ривожланишига ирсий мойиллик мавжуд: ПсА касалликларининг 40% дан ортиқ бу касалликлардан азият чекадиганлар бирламчи даражали ирсийликка эга. Тирноқларни зарарланиши, бошнинг сочли қисми псориази, инсерт псориаз, шикастланиш ва тамаки чекиш хавф омилли сифатида псориаз беморларни ПсА ривожланиш хавфини оширади. ПсА беморнинг таянч-харакат тизимида зўриқишни келтириб чиқарадиган ва хаёт сифатига салбий таъсир кўрсатадиган юрак-қон томир, психологик ва метаболик ёндош касалликлар билан бирга учраши мумкин.

[[https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562\\_2](https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562_2) <https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline>  
<https://www.eular.org/website/search?search=psoriatic+arthritis>]

### Клиник таснифи:

ПсАнинг клиник вариантлари	Таърифи
Кўл ва оёқ кафти Дистал фалангаларининг бирламчи зарарланиши (дистал шакл)	кўл ва / ёки оёқларнинг классик изоляцияланган ДМФС зарарланиши ПСА касалларининг 5% да кузатилади. ДМФС иштироки бошқа бўғимлар билан бирга кўпинча ПСА нинг бошқа клиник вариантларида кузатилади

Ассиметрик моно/олигоартрит	ПСА билан оғриган беморларнинг кўпчилигида (70% гача) содир бўлади. Одатда, қўл ва оёқларнинг тизза, билак, билак- тирсак ва интерфалангеал бўғимлари иштирок этиб, яллиғланган бўғимларнинг умумий сони 4 тадан ошмайди.
Симметрик полиартрит (ревматоид шакли)	ПСА билан оғриган беморларнинг 15-20% да кузатилади. РА каби боғланган жуфт бўғимларнинг иштироки билан характерланади. Беш ва ундан ортиқ бўғимларнинг ассиметрик полиартрити тез-тез кузатилади
Псориатик спондилит	периферик артрит билан тез-тез (тахминан 50%) биргаликда, камдан-кам ҳолларда (2-4%)- изоляция қилинган спондилит кузатилади
Мутилирланган артрит	5% беморларда кузатилган ПСА нинг ноёб клиник шакли бармоқлар ва/ёки оёқларнинг "телескопик деформация" шаклланиши, қисқариш, кўп томонлама сублуксациялар билан бўғим юзаларининг кенг тарқалиши (остеолиз) билан тавсифланади. Шу билан бирга бўғим юзаларининг маҳаллий (чегараланган) остеолизи барча ПсАнинг клиник вариантларида ривожланиши мумкин

[[https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562\\_2](https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562_2) <https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline>

<https://www.eular.org/website/search?search=psoriatic+arthritis>]

### 3. Усуллар, ёндашувлар ва таъхислаш жараёнлари.

#### Таъхислаш мезонлари:

#### ПсА CASPAR Таъхислаш мезонлари (CIASsification criteria for Psoriatic ARthritis, 2006).

ПСА диагностикаси CASPAR таснифи мезонларига асосланади. CASPAR мезонларига кўра, беморларда яллиғланиш касаллиги (артрит, спондилит ёки ентерит) ва 3 ёки ундан ортиқ нукта белгилари бўлиши керак:

1 Псориаз: - псориаз курик вақтида - псориаз анамнезда - псориаз оила анемнези	Балл 2 1 1
2. Псориатик тирноқ дистрофияси: Бармоқ нуктаси, онихолизис, гиперкератоз	1
3. Салбий ревматоид омил (бошқа латекс синов усули)	1
4. Дактилит: - текшириш вақтида бутун бармоқнинг шишиши - дактелит анамнезда	1 1
5. Қўшимча суяк радиологик белгилари маргинал ўсиш турлари бўйича пролиферация (ташқари остеофитлар) қўл ва оёқ рентгенографларида	1

### ПсАда спондилит ташхиси

<p><b>ПсАда спондилит ташхиси (синоним: псориастик спондилит) куйидаги 4та белгилардан 2таси асосида кўйилади.</b></p>	<p>Белда яллиғланиш оғриғи учун (2009) ASAS меъзонлари.</p>
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. ASAS (2009) меъзонида асосан белда яллиғланиш оғриғи, шунингдек думбада ғижимловчи оғрик.</li> <li>2. Умуртқа поғонасининг сагиттал ва фронтал сатхида бўйин, кўкрак ёки бел қисмида ҳаракат чекланиши.</li> <li>3. Бир томонлама сакроилеит II босқич белгилари ва кўпроқ тос обзор рентгенограммасида, умуртқа поғонасида синдесмофитлар.</li> <li>4. МРТда фаол сакроилеит аниқланиши (остеит/ STIR- ёки T1 – режимда илеосакрал чигал соҳасида суяк тўқимаси шиши)</li> </ol>	<p>Белдаги оғрик яллиғланиш йўли ҳисобланади, агар беморда оғрик сурункали бўлса, давомийлиги 3 ойдан кўп бўлса, куйидаги 5та белгидан 4таси бўлса:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Касаллик 40 ёшдан бошланса</li> <li>2. Секин-асталик билан бошланса</li> <li>3. Жисмоний машқдан кейин яхшиланса</li> <li>4. Тинч ҳолатда енгиллик бўлмаса</li> <li>5. Тунги оғрик</li> </ol>

[[https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562\\_2](https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562_2) <https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline>  
<https://www.eular.org/website/search?search=psoriatic+arthritis>]

#### Касаллик фаоллик даражалари

0 - ремиссия (DAS <1,6, ЭЧТ ва СРО – норма)

I - паст (1,6 ≤ DAS < 2,4, ЭЧТ ва СРО гача 20)

II - урта (2,4 ≤ DAS ≤ 3,7, ЭЧТ ва СРО 20-40)

III - баланд (DAS > 3,7, ЭЧТ ва СРО > 40)

*DAS индекси периферик артрит фаолиятини баҳолаш учун асосий усул сифатида тавсия этилади.*

*DAS Ҳисоблаш учун формула:*

$$DAS = 0,54 \sqrt{IP} + 0,065 ШУС + 0,330 \ln(ЭЧТ) + 0,072 БКФ$$

Бу ерда, ШБС – куйидаги шишган бўғимларнинг сони 28: елка, тирсак, билак-кафт, кафт-фалангалар, проксимал фалангалараро, тизза.

*IP-индекс Ричи – хар бир бўғимнинг пальпацияда оғриқнинг яққоллик даражаси (тоссон бўғимида фақатгина пассив ҳаракатда оғриқ бўлиши)*

*ЭЧТ – Вестергрен усулида эритроцитлар чўкиши тезлиги,*

*БКФ – беморнинг касаллик фаолиятини умумий баҳолаш ммда 100 миллиметрли визуал аналогли шкалада*

*Фаолиятни ҳисоблашнинг бошқа усулларидан фойдаланган маъқул, бунинг учун DAS билан яхши таққосланувчанлик исботланган*

Спондилит фаоллиги Батский фаллик индекси BASDAI ёрдамида аниқланади (анкетанинг ўзи 6 та саволдан иборат, иловага қаранг)

*BASDAI < 4 – функция бузилмаган, ПсА фаоллиги паст;*

*BASDAI>4 – функция бузилмаган ва BASDAI<4 функция бузилиши билан бирга– ўртача фаолликда;*

*BASDAI >4 функция бузилиши билан бирга – юқори фаоллик;*

[[https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562\\_2](https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562_2) <https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline>  
<https://www.eular.org/website/search?search=psoriatic+arthritis>]

Псориаз билан оғриган беморларда ПСА ривожланишига таъсир қилувчи омиллар

Хавф омилли	Таърифи
Ташқи	1. Травма 2. инфекция 3. Психоэмоционал зўриқишлар, стресслар
Ички	1. ПС ва ПСА ривожланишига генетик мойиллик 2. Нейроэндокрин ва иммун (цитокин, chemokine) тартибга солувчи механизмларнинг бузилиши. 3. Семириш 4. Чекиш

Айниқса ёшлиқда семизлик ва тамаки чекиш псориаз билан оғриган беморларда ПСА ривожланиш омиллари ҳисобланади.

### Клиник диагностика

#### Шикоятлар:

Қўл ва оёқ кафти, тизза, болдир-товон, камроқ елка, тирсак ва чаноқ-сон бўғимларида оғриқ ва шиш, бунда исталган бўғимлар зарарланиши мумкин.

зарарланган бўғимлардаги қарахтлик

қўл ёки оёқ бармоқларидан бирининг сосискасимои шиши

юрганда тўпиқларда оғриқ, Ахиллов пайининг бириккан жойида

думба ёки белда яллиғланиш ғижимловчи оғриқ

умуртқа поғонаси ҳар қандай қисмида оғриқ, асосан бўйин ёки бел-думғаза

сохаларида, тунда пайдо бўлувчи, жисмоний машқлар ёки НЯҚВдан кейин камаяди.

#### Анамнези:

Анамнезида псориаз, текширув вақтида ёки оилавий анамнезида псориаз бўлса.

70% беморларда псориастик тери зарарланиши бўғимлар, умуртқа поғонаси ёки энтезисларлар шикастланишидан аввал пайдо бўлади, 20% да улар бир вақтда ривожланади, 15-20% да псориазнинг биринчи клиник кўринишларидан олдин ПСА пайдо бўлади. Аммо ПС нинг йўқлиги ПСА ташхисини истисно қилмайди.

### Физикал текширув маълумотлари

Клиник кўринишлари	
Тери псориази	ёзувчи юзалар, буқувчи сохаларда, қўли кафти, оёқ кафти, бошнинг сочили қисмида, думба бурмаларида қизил қипиқланувчи пиллакча. Псориастик триада: стеарин доғ; терминал қобик; қон шудринги (Ауспитц феномени)
Тирноқ псориази	тирноқ жароҳатланиши: ониходистрофия, онихолизис,

	«учқун» симптоми, кўндаланг тарғиллик.
Периферик артрит	клиник жихатдан бўғимларда оғриқ, шиш ва ҳаракат чегараланиши билан намоён бўлади. Характерли белгилари: қўл ва оёқ қафти дистал фалангалараро бўғимлар артритива “редискасимон” деформация, аксиал артрит (бир вақтнинг ўзида битта бармоқнинг 3та бўғими жароҳатланиши), дактилит ва қўл-оёқ қафти “сосискасимон” деформацияси.
Дактилит - (бармоқ яллиғланиши)	бир вақтнинг ўзида бармоқлар йиғувчи ва ёзилувчи пайлар жароҳатланиши ва фалангалараро бўғимлар артрити натижасида пайдо бўлади. Клиник жихатдан оғриқ, ҳамма бармоқларнинг бир маромда шиши тери қопламининг кўкимтир рангда бўлиши, ҳаракатда оғриқ, ПсА га характерли бармоқларнинг “сосискасимон” деформацияси тарзида намоён бўлади. Кўп ҳолатларда теносиновит-қўл ва оёқ қафти букилувчи ва ёзилувчи пайларида яллиғланиш кузатилади. Клиник жихатдан тоғай йўлида оғриқ ва шиш кузатилади.
Энтезит- ПсАнинг эрта пайдо бўлиши	клиник жихатдан оғриқ, баъзида энтез нуқтасида шиш пайдо бўлади. Локализацияси- тизза усти юқори соҳаси, ёнбош суяги қирғоғи (қанотлари), трохантерлар, ахиллов пайи ва товон суяги ёнбош апоневрози бирикиш жойи, елка суяги латерал дўмбокчасида. Товон соҳаси энтезитлари кўпинча беморларнинг функционал қобилятини камайтириш сабаби ҳисобланади.
Спондилит, сакроилеит	умуртқа поғонаси жароҳатланиши (псориатик спондилит), кўпинча периферик артрит билан бирга келади. Яккаланган спондилит кам учрайди (4%). ПсАнинг хоҳлаган клиник шаклида умуртқа поғонасининг тўлиқ жароҳатланиши ва ASAS (2009) меъзонига асосан белда яллиғланиш оғриғи умуртқа поғонасининг турли соҳаларида, асосан бўйин ва бел қисмида, қарахтлик, асосан бир хил позада ва эрталабки вақтда, умуртқа поғонасининг ҳаракатчанлиги чегараланиши уч сатҳда (горизонтал, фронтал, сагиттал), кўкрак қафаси экскурсияси сусайиши, нафас олганда кўкрак қафасида оғриқ, шунингдек умуртқа поғонаси ўткир ўсиғи пальпациясида оғриқ кузатилиши бир томонлама ёки ассиметрик сакроилеит ҳос.

[[https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562\\_2](https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562_2) <https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline> <https://www.eular.org/website/search?search=psoriatic+arthritis>]

**Лаборатория текширувлари.**

#### Асосий лаборатория текширувлари:

Махсус лаборатория тестлар ва биомаркерлар мавжуд эмас

Умумий қон анализи, сийдик

СРО, ревматоид омиллар (IgM РФ)

АЦЦП

ҚБТ: АСТ ва АЛТ, креатинин, глюкоза

Сийдик кислота

Гепатит В, С вируслари, ОИТС маркерлари

Хомиладорлик тести

Манту туберкулин синамаси ва /ёки Диаскин тест

Қонда липидлар

HLA-B27

#### **Яллиғланиш фаоллиги кўрсаткичлари**

**ЭЧТ** – тизимли яллиғланишнинг юқорисезувчан, аммо носпецифик ва ностабил маркери.

**СРО** - яллиғланиш фаоллигини баҳолаш, бўғимлар деструкциясини тезлигини башоратлаш учун қўлланади.

<b>1 А</b>	Ҳар битта беморда адекват терапия ўтказиш мақсадида яллиғланиш фаоллиги аниқланиши зарур.
------------	---

[[https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562\\_2](https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562_2) <https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline>  
<https://www.eular.org/website/search?search=psoriatic+arthritis>]

#### **Инструментал текширувлар.**

##### Асосий инструментал текширувлари:

Кафт,товон, тос суяклари ва умуртқа поғонаси обзор рентгенографияси

Бўғимлар УТТси

МРТ

Ўпка рентгенографияси

ЭКГ

ЭхоКГ

**Рентгенография** -қўл ва оёқ кафти, тос суяклари ва чаноқ-сон бўғими тўғри проекцияда ва умуртқа поғонасига ўтиш қисмида (кўкрак пастки қисми бел қисми билан биргаликда ён проекцияда) бирламчи текширув мақсадида ва бир йилда бир марта ўтказилади.

кафт ва товон рентгенографиясида– бўғим тирқиши торайиши, суяк ремодуляцияси,охирги фалангаларнинг резорбцияси, йирик эксцентрик эрозиялар, остеолити хос. «Стакан ичидаги қалам» типдаги деформация, пролиферация, периоститлар, суяк анкилозлари хос;

Тос ва чаноқ-сон бўғими рентгенографиясида бир томонлама ёки ассиметрик икки томонлама сакроилит хос

Умуртқа поғонасининг ўтувчи қисми рентгенографиясида паравертебрал оссификатлар ва қирғоқ синдесмофитлари хос

**УТТ энергетик доплер хариталаш усули** бўғим юмшоқ тўқима структураларининг ўзгаришларини аниқлашда, айниқса эрта ПсАни аниқлашда, БЯҚВ ва ГИБВлар даволаш фонидида ремиссия сақланишини башоратлашда муҳим афзалликларга эгадир.

УТТ ПсА беморларда синовит (яллиғланиш) ва энтезит, теносиновитни аниқлашда сезгир усул хисобланади.

Бўғимлар УТТ сида қуйидаги параметрлар баҳоланади: синовиал қобикнинг қалинлашиши, бўғимда шиш бўлиши, бўғим юзасининг контури бузилиши (эрозия), бўғим олди тўқималарининг ўзгариши (теносиновит)

УТТ энергетик доплер хариталаш усулида яллиғланиш яққоллигини кўрсатувчи сигнал локализациясини, тарқалишини ва интенсивлиги аниқланади.

**МРТ**- стандарт ултратовушга қараганда кенгрок нуктаи назар билан суяк ва тоғайнинг юмшоқ тўқималарини аниқ тасвирлашга имкон беради. МРТ умуртқа поғонасининг (спондилит) ва илеосакрал чигалда (сакроилеит), пай-боғлам аппаратида (энтезит, тендинит) ва бўғимларда (синовит) яллиғланиш ўзгаришларини эрта аниқлашга мўлжалланган.

Кўкрак қафаси аъзолари рентгенографияси беморларда ўпканинг ёндош жароҳатланишини аниқлашда, бирламчи текширувда, БЯҚВ ва ГИБВ тавсия қилишдан олдин сўнг хар йили ўтказилади. ЭКГ камида бир йилда бир марта юрак-қон томир касалликларини аниқлаш учун.

**ЭКГ** - юрак-қон томир патологияларини аниқлашда йилига 1 мартадан кам бўлмаган вақтда амалга оширилади.

**ЭхоКГ**- қон-томир патологияларига шубха бўлганда

#### **Рентгенография:**

<b>1 А</b>	Псориатик артрит ташхислаш ва бўғимлар зарарланиш даражасини динамикада текшириш мақсадида барча беморларда, йилида бир марта рентгенографик текширувлар ўтказиш тавсия этилади.
------------	--


#### **Мутахассисларнинг консультатив кўруви учун кўрсатмалар:**

- Невропатолог – умуртқалараро бўғимлар шикастланганида;
- Онколог–умуртқа поғонаси ва чаноқ суяқларининг онкологик касалликлари ва метастазларини истисно қилиш мақсадида;
- Остеофтизиатр – суяк-бўғим тизимининг сил генезли шикастланишини истисно қилиш мақсадида;
- Дерматовенеролог – псориатик тери зарарланишини даволаш мақсадида;
- Травматолог – бўғимларни жаррохлик даволаш масаласини хал қилиш мақсадида;
- Инфекционист– бўғимларнинг инфекцион этиологияли шикастланишини истисно қилиш мақсадида.

[[https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562\\_2](https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562_2) <https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline>  
<https://www.eular.org/website/search?search=psoriatic+arthritis>]

#### **Ташхислаш алгоритми:**

Бўғимларнинг яллиғланиши белгилари билан беморлар учун (артрит, спондилит, энтезит) ҳамда 3 ва ундан ортиқ балл йиғганлар учун (кейинги 5 та тоифа ичидан)



[[https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562\\_2](https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562_2) <https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline>  
<https://www.eular.org/website/search?search=psoriatic+arthritis>]

#### Қиёсий ташхис ва қўшимча текширувларни асослаш:

Ташхис	Қиёсий ташхис учун асос	Текширувлар	Ташхисни истисно қилиш мезонлари
Реактив артрит	Оёқ бўғимларининг шикастланиши, думғаза ёнбош артикуляциясининг шикастланиши	Урогенитал инфекция учун ИФА, тос суяклари ичак инфекция рентгенография	Терида псориастик пиллакчаларнинг бўлмаслиги, сийдикда жинсий ёки ичак инфекциясининг мусбат бўлиши
Ревматоид артрит	Майда кафт бўғимларининг жароҳатланиши	РФ, АЦЦП қўл бўғимларининг рентгенографияси.	Қўл бўғимларининг симметрик артрити, эрталабки қарахтлик. Қўл кафти рентгенограммасида; Эпифизар остеопороз, бўғим тирқишининг торайиши, хошиялар
Подагра	1-бош фаланга бўғимининг жароҳатланиши	Сийдик кислотаси учун қон тести	Асосан эркаклар, ўткир артрит мавжудлиги анамнезида (қўпинча моноартрит оёқнинг 1-бош бармоғи) гиперурикемия.

Анкилозловчи спондилит	Периферик шаклида оёқ бўғимларинг шикастланиши, думғаза ёнбош чигалининг шикастланиши	HLA B27, тос суяклари рентгенографияси	касалликнинг аста-секин бошланиши, асосан яллиғланиш белда оғрик, эрталабки қарахтлик мавжудлиги, 2 томонлама сакроилеит

### Касаллик белгилари асосида қиёсий таъхис

Клиник кўринишлари	Псориастик артрит	Ревматоид артрит	Анкилозловчи спондилит	Реактив артрит
Жинси	Иккала жинсдаги беморларда бир хил сонда	Кўпинча аёлларда	Купинча эркакларда	Купинча эркакларда
Дистал фалангалараро бўғим	Жуда тез-тез	Камдан кам	Кузатилмайди	Кузатилмайди
Дактилит	тез-тез	Кузатилмайди	Камдан кам	Тез-тез
Энтезит	Ўртача частота	+	Тез-тез	ўртача частота
Спондилит	ўртача частота	-	Жуда тез-тез	+
Сакроилеит	асимметрик	-	симметрик	асимметрик
Кўз, тери ва урогенитал худуднинг шикастланиши	Камдан-кам ҳолларда олд увеит, псориастик кафти	Камдан кам	Кўпинча олдинги увеит, иридоциклит	Кўпинча ўтқир конъюнктивит. уретрит, цервицитит
Артрит типлари	Асимметрик олиго-, полиартрит	Симметрик полиартрит	Оёқ бўғимлари артрити, спондилит	Оёқ бўғимлари олигоартрити
РО	Йўқ	Жуда тез-тез	Кузалтилмайди	Кузалтилмайди

[[https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562\\_2](https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562_2) <https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline> <https://www.eular.org/website/search?search=psoriatic+arthritis>]

#### 4. Амбулатория даражасида даволаш тактикаси:

##### Номедикаментоз (дори-воситаларисиз) даволаш:

##### Умумий тамойиллар.

ПСА-кўп тармоқли даволанишни талаб қиладиган гетероген, потенциал оғир касаллик шунинг учун, псориастик артрит билан оғриган беморларни даволаш ревматолог ва дерматологнинг биргаликдаги қарорига асосланган бўлиши керак

Беморларни даволашда тизимли кўринишларни (тери, кўзлар ва ошқозон-ичак тракти) ва ёндош касалликлар метаболик синдром, юрак-қон томир касаллиги ва депрессия каби касалликларни ҳисобга олиши керак.

##### Номедикаментоз даволаш:

Диета ширин, аччиқ ва ёғли овқатларни чегаралаш;

### **Озиш:**

Ортиқча вазнли ёки семизлик билан оғриган, тизза ва/ёки сон-чаноқ бўғими ОА билан оғриган беморларга вазни бошқариш тавсия этилади.

Ортиқча вазнли беморларга (ТВИ 25 кг/м<sup>2</sup> дан ортиқ) тана вазнини 6 ой ичида камида 5% ёки йил давомида 10% га камайтириш тавсия этилади.

ПсА билан оғриган беморларга қуйидагилар тавсия этилади: мунтазам равишда ўз-ўзини назорат қилиш, ойлик вазнини қайд этиш, ёғ ва тузни истеъмол қилишни чеклаш, кунига камида беш порция мева ва сабзавотларни истеъмол қилиш ва кунига камида 30 дақиқа жисмоний фаоллик. Эришилган кўрсаткичлар бемор билан муҳокама қилинади.

Мунтазам жисмоний фаолият ва машқлар билан шуғулланиш функционал ҳолатни яхшилади ва беморларнинг ишлаш қобилиятини сақлаб қолишга ёрдам беради;

Машқлар индивидуал бўлиши ва ҳар бир беморнинг эҳтиёжларига мослаштирилиши керак, шунда улар бемор ҳаёт тарзининг бир қисмига айланади.

1A	Енгил жисмоний тарбия ва машқлар ПсА ли беморларга фойдали ҳисобланади.
----	---

1A	ПАли беморларга ҳаёт турмуш тарзини кескин ўзгартириш айниқса, чекишдан воз кечиш ва вазни камайтириш тавсия этилади.
----	---

Жисмоний терапия машқлари учун қарши кўрсатмаларни ҳисобга олиш керак.

### **Физиотерапевтик тавсиялар :**

-физиотерапия (илиқ ёки совуқ муолажалар, ультратовуш, лазеротерапия, криотерапия, иглорефлексотерапия),

-санаторно-курорт даволаш, дори воситалари билан физиотерапевтик муолажалар, сульфид ва радон ванналари ёрдамида даволаш.

[[https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562\\_2](https://cr.minzdrav.gov.ru/schema/562_2) <https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline>  
<https://www.eular.org/website/search?search=psoriatic+arthritis>]

### **Медикаментоз (дори-воситалари билан) даволаш:**

ПсА ни даволашнинг ҳозирги стратегияси "мақсадга еришгунга қадар даволаш" ("Treat to target") тамойилига асосланади.

1A	Даволаш мақсади мунтазам равишда касаллик фаоллигини баҳолаш ва шунга кўра даволашни ташкиллаштириш, касалликнинг ремиссия (ёки паст фаоликка) эришишдир.
----	---

Базис яллиғланишга қарши дори воситаларни "имконият ойнаси" (window of opportunity) жадвали ичида – ПсА биринчи белгилари ривожлантириш пайтдан бошлаб биринчи 3 ой ичида иложи борица эрта бошлаш керак .

ПсАни даволашда асосий дори воситалар:

## НЯҚВ

Глюкокортикоидлар (бўғим ичига)

Базис яллиғланишга қарши синтетик стандарт воситалар (БЯҚССП)

Базис яллиғланишга қарши ген-инженер биологик воситалар (БЯҚГИБВ)

ЈАҚ ингибиторлари (апремиласт ва тофацитиниб), Таргет-синтетик дори воситалари\*

*\*Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтмаган дори воситаларининг клиник баённомага киритилиши бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида ва мажбурий ижтимоий тиббий сугурта тизимида ҳаражатларни қоплаш учун асос бўлмайди.*

<b>1А</b>	ПсАни даволашда ностероид яллиғланишга қарши воситалар, глюкокортикоидлар, бўғим ичи, базис яллиғланишга қарши воситалар ва ген-инженер биологик воситалар қўлланилади.
-----------	---

Асосий дори-воситаларнинг рўйхати (100% фойдаланиш эҳтимоли билан):

### Яллиғланишга қарши ностероид воситалар

1-жадвал

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори-воситасининг Халқаро патентланган номи	Қўллаш тартиби	Далиллар даражаси
<b>Носелектив ингибиторлар ЦОГ-1 ва ЦОГ-2</b>			
фенил-сирка кислота унумлари	Диклофенак	25 мг, 50 мг таблетка- кунига 2-3 марта 100 мг таблетка, капсула- ичишга- кунига 1 марта 3мл 25 мг/мл ампула- м/о- кунига 1-2 марта 1мл 75 мг/мл ампула- м/о- кунига 1-2 марта	1 А-В
фенил-сирка кислота унумлари	Ацеклофенак	100 мг таблетка- ичишга- кунига 2 марта	1 А-В
индол-сирка кислота унумлари	Индометацин	25 мг таблетка- ичишга кунига 2-3 марта	1 А-В
арил-сирка кислота унумлари	Кеторолак	10 мг таблетка- ичишга- кунига 1-4 марта 30 мг/мл ампула- в/и, м/о- кунига 1-3 марта	1 А-В

пропион кислота унумлари	Ибупрофен	200 мг таблетка- ичишга- кунига 3-4 марта 400 мг таблетка- ичишга- кунига 2-3 марта 800 мг таблетка- ичишга-кунига 2 таб 1 марта	1 А-В
пропион кислота унумлари	Напроксен	250мг, 500мг таблетка- ичишга- кунига 2 марта 275мг, 550мг таблетка- ичишга- кунига 1-2 марта	1 А-В
пропион кислота унумлари	Кетопрофен	50 мг капсула- ичишга- кунига 3-4 марта 100 мг таблетка- ичишга- кунига 1-2 марта 150 мг таблетка ва капсула- ичишга- кунига 1 марта 2 мл 50мг/мл ампула- м/о, в/и- кунига 1-2 марта	1 А-В
пропион кислота унумлари	Декскетопрофен	12,5 мг, 25мг таблетка 25 мг ичишга эритма тайёрлаш учун гранулалар пакетча-ичишга- кунига 1-3 марта 2 мл 25мг/мл ампула-м/о ёки в/и- кунига 1-2 марта	1 А-В
Оксикам	Теноксикам	20 мг таблетка-ичишга-кунига 1 марта 20 мг лиофилланган кукун ва эритувчи флакон-м/о, в/и-кунига 1 марта	1 А-В
Оксикам	Лорноксикам	4 мг таблетка-ичишга-кунига 2-3 марта 8 мг таблетка-ичишга-кунига 1-2 марта 8 мг флакон в/и ва м/о киритиш учун эритма тайёрлашга лиофилизат- в/и, м/о- кунига 1-2 марта	1 А-В
Оксикамы	Пироксикам	10 мг, 20 мг капсула, таблетка- ичишга- кунига 1 марта 20 мг/мл ампула- кунига 1 марта	1 А-В
сирка кислота унумлари ва унинг бирикмалари	Амтолметил гуацил	600 мг таблетка-ичишга- кунига 1-2 марта	1 А-В
<b>Селектив ингибиторлар ЦОГ-2</b>			
Оксикам	Мелоксикам	7,5–15 мг таблетка- ичишга- кунига 2 марта 15 мг/1,5 мл ампула- м/о- кунига 1 марта	1 А-В
сульфонанилид унумлари	Нимесулид	100мг таблетка, 100 мг/2 г суспензия тайёрлаб ичиш учун гранула-	1 А-В

		ичишга- кунига 2 марта	
индол-сирка кислота унумлари	Этодолак	400мг, 600 мг таблетка- ичишга- кунига 2 марта	1 А-В
<b>Юқори селектив ингибиторлар ЦОГ-2</b>			
юқори селектив НЯҚВ	Эторикокиб	60 мг, 90 мг, 120 мг таблетка- ичишга- кунига 1 марта	1 А-В
юқори селектив НЯҚВ	Целекокиб	200 мг капсула – ичишга – кунига 2 марта	1 А-В
			<a href="https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline">https://rheumatology.org/psoriatic-arthritis-guideline</a>

1 А	НЯҚВлар суяк-мушак белгилари ва симптомларини енгиллаштириш учун қўлланилади.
-----	---

НЯҚВлар артрит, спондилит, дактилит, энтезит симптомларини камайтириш учун қўлланиладиган биринчи қатор воситаларидир.

НЯҚВ тери псориазига қарши яққол самара беради.

Спондилит ёки энтезитда НЯҚВ билан даволаш турт ҳафтада енгиллик берса давомийлиги 12 ҳафтагача узайтирилиши мумкин.

НЯҚВлар айниқса глюкокортикоидларнинг маҳаллий инъекциялари билан биргаликда қўлланганда енгил синовит ёки спондилит учун самарали .

НЯҚВларни агар керак бўлса ГК, БЯҚВ, ГИБВлар билан биргаликда буюрилади.

Ошқозон-ичак тракти ва юрак қон-томир тизимидаги салбий реакциялар хавфини улардан фойдаланиш бўйича тавсияларга мувофиқ ҳисобга олиш керак.

Асосий дори-воситаларнинг рўйхати (100% фойдаланиш эҳтимоли билан):

### Глюкокортикоидлар

#### Глюкокортикоидлар (маҳаллий ва бўғим ичи)

2-жадвал

Фармакотерапевтик гуруҳ	Дори-воситасининг Ҳалқаро патентланган номи	Қўллаш тартиби	Далиллар даражаси
глюкокортикоид	преднизолон	таблетка 5 мг, ичишга, 5мг, схема бўйича	1 А-В
Глюкокортикоид	преднизолон	ампула, 1мл /30мг, в/и, томчилаб, 30мг-120мг, 1 махал	1 А-В
Глюкокортикоид	метилпреднизолон	таблетка 4 мг, 16мг, ичишга, 4мг, схема бўйича	1 А-В
глюкокортикоид-	Бетаметазон	7мг/мл-1,0мл инъекция	1 А-В

депо шакли	дипропионат/натрия фосфат	учун суспензия, бўғим ичига, 1,0 мл гача, схема бўйича	
глюкокортикоид - депо шакли	Триамцинолон ацетонид	40 мг/мл-1,0мл инъекция учун суспензия, бўғим ичига, 1,0 мл гача, схема бўйича	1 А-В
			<a href="https://rheumatology.org/psoarthritis-guideline">https://rheumatology.org/psoarthritis-guideline</a>

3 С	Бўғим ичига ГК ларни юбориш ПсА учун қўшимча даволаш йўли хисобланади. Системали ГКлар периферик артритда қисқа вақт давомида, энг кам самарали дозада эҳтиёткорлик билан фойдаланиш мумкин.
-----	--

3 С	Моно-олигоартрит, полиартрит, дактилит, теносиновит, энтезитнинг турли локализациясида (товон, тирсак соҳасида) бўғимларга, пайнинг суякка бирикиш жойига, шунингдек пай йўлига маҳаллий ГКлар юборилади.
-----	---

Баъзан системали ГКларни тўхтатиш ПСни хуружига олиб келиши мумкин. Псориатик спондилитни даволаш учун системали ГК ни буюриш тавсия этилмайди.

Асосий дори-воситаларнинг рўйхати (100% фойдаланиш эҳтимоли билан):

**Базис яллиғланишга қарши воситалар**

